

ISSN 2181-1342

 Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzARB muammolari

2/S-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/2 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Сайдалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Кулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехruz Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдулаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Ҳавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна - педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашурновна - педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна - педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибраҳимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баҳодировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Хайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна - психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;
Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;
Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Полвонов Козимбек	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ШАҲАРЛАРИ ТОПОНИМИГА ОИД	
МАЪЛУМОТЛАР	10-15
<i>Xadjamuratova Matlyuba</i>	
МАКТАВГАЧА ТА’ЛИМДА БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОИY ХИМОЯ QILISHGA INNOVATSION	
YONDOSHUVNING DOLZARBLIGI	16-21
Шовкатов Шокир Шовкат ўғли	
АБУЛ-ЮСР ПАЗДАВИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР	22-31
<i>Mo'minov Xusanboy Madaminjonovich, Qodirjonov Omadjon Tavakkaljon o'g'li</i>	
О'zbekiston RESPUBLIKASIDA SUD QONUNCHILIGIGA KIRITILGAN O'ZGARISHLAR VA	
ULARNING AHAMIYATI	32-36

Пардаев Асрор	
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИ ХАЛҚ ИСТЕМОЛИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ	
МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ	37-42

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Умурзақова Мўътабархон Нодир қизи	
ЖАХОНДА ТИББИЙ СУФУРТА ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛANIШ ХУСУСИЯТЛАРИ	43-52

Рахманов Зафар	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛANIШ	
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ	53-62

Аминов Фазлитдин Баҳадирович	
РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ЭКОНОМИКЕ	
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	63-70

Курбонова Шаҳриноз Авазхоновна	
ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР	
ТАҲЛИЛИНИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	71-81

<i>Azimova Hulkar Egamberdiyevna</i>	
KREDIT PORTFELINI SAMARALI BOSHQARISHDA TIJORAT BANKLARINING O'RNI	82-87

Rajabov Orzujon Mamasoliyevich	
LOGISTIKA XIZMATLARINI KO'RSATISHDA BUYUMLAR INTERNETI (INTERNET OF	
THINGS)DAN FOYDALANISH	88-93

Сайдов Сарвар Хайруллоевич	
ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИДА БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ	
БОРАСИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	94-104

Сержанов Аймурат Медетбаевич	
ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ БАНКЛАР ХИЗМАТЛАРИНИ ЯРАТИШ	
ЗАРУРИЯТИ	105111

Туробов Шерзод Алишерович, Ибодуллаев Зафар Ибодуллаевич	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖ	
ТАЖРИБАСИ	112-119

<i>Daniyarova Feruza Baxriddinovna, Chinorova Shahodat Mansur qizi</i>	
O'zbekiston IQTISODIYOTIGA XORJIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH	
YO'LЛАRI	120-126

Temirova Feruza Sagdullayevna

XULQ-ATVOR IQTISODIYOTI VA BRENDGA SODIQLIK 127-132

Sharipova Shaxzoda Xasanovna

YANGI O'ZBEKISTONDA TURIZM MADANIYATINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI 133-138

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Alimova Shahniza Hamidovna

НОГИРОНЛИГИ БОР ЁШЛАР - АЛОҲИДА ХУСУСИЯТГА ЭГА ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК ГУРУХ СИФАТИДА 139-147

Asrakulova Adiba Nabieva

“ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ” НИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ 148-154

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Teshabayeva Dilfuza Muminovna

LEXICAL PROBLEMS OF TRANSLATING THE NAMES OF NEW PHENOMENA IN MASS MEDIA 155-160

Rustamov Ilhom Tursunovich, Inog'omjonova Robiya Rustamjon qizi

INTERFERENSIYA HODISASINING TILDA AKS ETISHI XUSUSIDA OLIMLARNING TADQIQOTLARI VA QARASHLARI 161-165

Abdikhamidova Sevinch Obidjon kizi

PROBLEMS FACED IN TRANSLATING PROPER NOUNS 166-170

Djurakulova Elmira Suyunova

SHOYIM BO'TAYEV ROMANLARIDA BADIY XRONOTOP VA MIFOLOGIK TALQIN 171-177

Dalieva Madina Khabibullaevna

THE ROLE OF BLENDING THEORY IN POLYSEMY AND METAPHOR 178-183

Жўраева Ирода Ахмедовна

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АНТРОПОНИМИК ЛУФАТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ 184-189

Iminova Shahnoza-Begim Bahodirovna

INGLIZ TILIDA INSONNING IJOBIY AQLIY XUSUSIYATLARINING IFODALOVCHI BIRLIKLARNING KONSEPTUAL, LINGVO-MADANIY XUSUSIYATLARI 190-193

Irgasheva Shoxida Sadreddinovna

INTERNET DISKURSIDAGI IQTISODIY NEOLOGIZMLARNI TARJIMA QILISH XUSUSIYATLARI 194-200

Tursunova Zarina Farxodovna

LINGVISTIKADA EMOTLARNI O'RGANISHGA ZAMONAVIY YUNDASHULAR (INGLIZ TILI ASOSIDA) 201-205

Satibaldiyev Erkinjon Kamilovich

PARADIGMATIC SOUND INTERFERENCE IN THE ENGLISH SPEECH OF TURKOPHONES 206-212

Radjabova Hafiza Shukrulloevna

INGLIZ VA O'ZBEK TERMINOLOGIYASINING METODOLOGIK ASOSLARI 213-220

Avezova Dilovar Salimovna

TAXALLUSLARNI O'RGANISHNING NAZARIY JIHATI 221-225

<i>Alikberova Kamila Adhamovna</i>	
A CRITICAL ANALYSIS OF LANGUAGE USE AND LANGUAGE ACQUISITION	226-232
<i>Rakhmatova Bahara Ibodulla qizi</i>	
THE ROLE OF LEGAL DISCOURSE IN MODERN LINGUISTICS	233-238
<i>Valieva Nargizakhon Zamir kizi</i>	
COMPARATIVE ANALYSIS OF “KITE RUNNER” AND “A THOUSAND SPLENDID SUNS” BY KHALED HOSSEINI: THEMES, CHARACTERS, AND SOCIOPOLITICAL CONTEXT	239-244
<i>Mamatqulova Zilola Rejabaliyevna</i>	
RISHTON KULOLCHILIK MAKTABI KASB-HUNAR LEKSIKASINING STUKTURAL TASNIFI	245-251
<i>Alimova Kamola Tursunovna</i>	
CHALLENGES IN PREPARATION OF GUIDE TRANSLATORS	252-258
<i>Сейтимбетова Айкумар Пулатбаевна</i>	
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В АНГЛИЙСКОМ, РУССКОМ И КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКАХ.....	259-264
<i>Бегжанова Айсилуу Махмудовна</i>	
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ ТЕРМИНЛАР ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	265-270
<i>Kubanova Ilmira Sharifovna</i>	
EXPLORING ABBREVIATED RAILWAY TERMINOLOGY IN ENGLISH: A COMPREHENSIVE ANALYSIS	271-275
<i>Azamjonova Sarvinoz</i>	
USE OF TOPONYMS IN MODERN FRENCH MEDIA	276-282

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Muxiddinova Dildora Muxiddinovna</i>	
O'ZBEKİSTONNING BOJXONA FAOLIYATIGA KİOTO KONVENSIYASINI JORİY ETİŞHNİNG HUQUQIY JİHATLARI VA JSTGA A'ZOLIKNING TA'SIRI	283-292
<i>Asadov Eldorjon Nizomiddin o'g'li</i>	
SOLIQ NAZORATI HUQUQIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH DAVLAT MOLİYAVİY NAZORATI INSTITUTİNİNG MUHİM OMİLİ	293-298
<i>Mustanov Ilxom Abdıvalijonovich</i>	
BANK QONUNCHILIGINI BUZGANLIK UCHUN JAVOBGARLIKNING NAZARIY-HUQUQIY JİHATLARI	299-304
<i>G'oyibov Jo'rabek Choriyevich</i>	
YOSHLAR MIGRATSİYASI: MUAMMO VA YUTUQLAR TAHLILI	305-309

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Kuziyev Otobek Chuliyevich</i>	
TALABALARDA AXBOROT MODELLASHTIRISH KO'NIKMASINI SHAKLLANTIRISHNING MUHİM UCH BOSQICHI	310-314
<i>Fattaxova Diloram</i>	
TIL O'QITISHDA FOYDALANILADIGAN KOMPYUTER METODLARI	315-321
<i>Moydinova Elmira</i>	
APPLICATION OF FLIPPED LEARNING METHODS IN THE UNIVERSITY	

CLASSROOM	322-326
<i>Xodiyeva Gulhayo Hasan qizi</i>	
ZAMONAVIY BOSHLANG'ICH TA'LIMDA 4K MODELI KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHGA INTEGRATIV YONDASHUVNING MOHIYATI	327-333
<i>Doniyorova Gulrux Shoniyozovna</i>	
AVTOMOBILSOZLIK YO'NALISHI TALABALARINING KASBIY KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHDA DASTURIY VOSITALARNING AHAMIYATI	334-338
<i>Jumaniyozova Muhayyo Tojiyevna</i>	
RIVOJLANTIRUVCHI TA'LIMINING ASOSIY NAZARIYALARIDA TA'LIM OLUVCHINING ANALITIK QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI	339-344
<i>Xo'jamberdiyeva Dilfuzা Ikramovna</i>	
DARSLIK BILAN ISHLASH O'QUVCHILARNING AXBOROT KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA	345-351
<i>Mamaraimov Bekzod Qodirovich</i>	
O'QUVCHILARNING TADQIQOTCHILIK KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH VA ULARNING QIDIRUV FAOLIYATIGA TAYYORLIGI	352-356
<i>Xudayberdiev Nurislam Nuralievich</i>	
BO'LAJAK O'QITUVCHILARING RAQAMLI KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISHNING TASHKILIY-PEDAGOGIK MEXANIZMI	357-363
<i>Qarshiyev Jamshid Murotaliyevich</i>	
TALABALARINING O'QUV FAOLIYATI VA ILMIY IZLANISHLARIDA SUN'IY INTELLEKT: IMKONIYAT VA CHEGARALAR	364-369
<i>Teshaboyeva Shahodat</i>	
ZAMONAVIY SHAROITDA SHAXSNING KASBIY HUQUQIY MADANIYATI	370-375
<i>To'rayeva Dilnoza Ismoilovna</i>	
RAQAMLI TA'LIM MUHITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHINING KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH USLUBIY TAYYORGARLIKNING BIR QISMI SIFATIDA	376-380
<i>Beknayeva Shaxnoza Vladimirovna</i>	
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKIOTLARIDA INSON RESURSLARINI BOSHQARISHDA INNOVATSION JARAYONLAR	381-388
<i>Dusyarov Salimjon Xudaymuratovich</i>	
HARAKATLI O'YINLAR ASOSIDA MAKTAB O'QUVCHILARIDA JISMONIY MADANIYATNI SHAKLLANTIRISH	389-393

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ

Полвонов Козимбек
Қарши давлат университети доценти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ШАҲАРЛАРИ ТОПОНИМИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

Аннотация. Шаҳарлар тарихини ўрганиш борасида жаҳонда ва республикамиизда муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, бу борадаги изланишлар яна давом этмоқда. Шаҳарлар тарихи ва топонимлари мавзусини ўрганиш ҳамда тараққиёт босқичларини таҳдил этиш долзарб масала бўлиши билан бирга мунозарали ва қизиқарли мавзулар сирасига киради. Мазкур мақолада жанубий Ўзбекистон, жумладан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари шаҳарлари топонимига оид маълумотлар берилиб, улар атрофлича таҳдил этилган.

Калит сўзлар: шаҳар, шаҳарлар, жанубий ҳудудлар, вилоят, топонимика, жой, тоғ, боғ, касб, исм, ривоят, уруғ, сардоба, сув, кўргон.

Polvonov Kozimbek
Associate Professor at Karshi State University

INFORMATION ON TOponyms OF SOUTHERN CITIES OF UZBEKISTAN

Abstract: Although certain works have been carried out in the world and in our republic regarding the study of the history of cities, research in this regard is still ongoing. The study of the history and toponyms of cities, as well as the analysis of the stages of development, is a topical issue and one of the controversial and interesting topics. This article provides information on the toponymy of the cities of southern Uzbekistan, including Kashkadarya and Surkhandarya regions, and analyzes them in detail.

Key words: city, cities, southern regions, region, toponymy, place, mountain, garden, profession, name, narrative, clan, cistern, water, fortress.

Полвонов Козимбек
Доцент Каршинского государственного университета

ИНФОРМАЦИЯ О ТОПОНИМАХ ЮЖНЫХ ГОРОДОВ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация: Хотя в мире и в нашей республике проведены определенные работы по изучению истории городов, исследования в этом направлении продолжаются до сих пор. Изучение истории и топонимов городов, а также анализ этапов развития является актуальным вопросом и одной из спорных и интересных тем. В данной статье представлены сведения о топонимике городов южного Узбекистана, в том числе Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей, и подробно их анализируется.

Ключевые слова: город, города, южные районы, область, топонимия, место, гора, сад, профессия, имя, повествование, род, цистерна, вода, крепость.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI2Y2024N01>

Кириш. Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг қўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва маънавий меросини ўрганиш, ундан халқнинг бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Тарихимиз қайтадан, холисона ўрганила бошланди. Халқ ўз тарихини, хўжалик тарзини, табиатга муносабатини, касб-хунарларини ва бошқаларни жой номларида акс эттирган. Жой номларида халқнинг ўтмиш акси бор.

Маълумки, топонимика юонча “толос” – “жой” ва “онома (ёки онима)” – “ном” сўзларидан таркиб топган бўлиб, шаҳарлар, қишлоқлар, дарёлар, кўллар, тоғлар каби географик номларни, уларнинг келиб чиқишини, тарихини ўрганар экан, бу фан тилшуносларга ҳам, тарихчиларга ҳам бой илмий материал беради.

Муҳокама. Ўзбекистон ҳудуди шаҳарларга бой ҳисобланади. Хусусан, Республикализнинг жанубий ҳудудларида 20 та шаҳарлар бўлиб, хусусан, Қашқадарё вилоятида 12 та, Сурхондарё вилоятида 8 та шаҳарлар жойлашган. Қуйида келтирилган кентлар 1958-1982 йиллар давомида, жумладан Деновга 1958 йилда, Кумқўрғонга 1971 йилда, Косонга 1972 йилда, Жарқўрғон, Шарғун ва Шерободга 1973 йилда, Муборакка 1974 йилда, Бойсун ва Талимаржонга 1975 йилда, Китоб ва Шўрчига 1976 йилда, Ғузор ва Бешкентга 1977 йилда, Яккабоғ ва Қамашига 1978 йилда, Чироқчига 1980 йилда, Янги Нишонга 1982 йилда шаҳар мақоми берилган. Бу шаҳарлар топоними ҳақида турли хил маълумотлар мавжуд.

Натижалар. Қашқадарё воҳасининг сўлим масканларидан бири бу Китоб шаҳридир. **Китоб** шу номдаги туман маркази бўлиб, вилоят маркази Қарши шаҳридан 130 км масофада жойлашган.

“Китоб” атамасининг маъноси ҳақида қуйидаги фикрлар мавжуд. Бу сўз арабча “кифт” – “елка”, тожикча “об” – “сув”, яъни “елкадаги сув” деган маънени билдирувчи “кифтоб” сўзидан келиб чиқсан, шунингдек, китоб номи сўғдча ном: “катоб” бирикмасидан келиб чиқиб “сув бўйидаги шаҳар” маъносини билдиради [1, 98].

Умуман, Китоб туманининг икки томонидан Қашқадарё ва Оқдарё оқиб ўтади. Китоб номининг келиб чиқишини жой номи билан боғлаш мумкин.

Ғузор – Қашқадарё вилоятидаги шаҳар, Ғузор тумани маркази бўлиб, вилоят маркази – Қарши шаҳридан 58 км жанубий шарқда жойлашган.

Ғузор топоними ҳақида қуйидагилар келтирилади. 1. “Ғузор” сўзи гузар (форс тилида – “ўтиш”), яъни “кечув”, “дарёдан ўтиш жойи” маъносини англатади. 2. Ҳудуд Ҳисор тоғининг бошланишида бўлганлиги учун ҳам шу тоғнинг номи ўзгартирилиб Ғузор деган ном келиб чиқсан. 3. Ғузор атамаси аслида, арабча тоғ этагидаги манзилгоҳ, яшаш жойи мазмунини билдиради [2, 9]. 4. Ғузорнинг жанубий томони қадимги қалин тўқайзор бўлиб, унда ёввойи ҳайвонлар, айниқса хуклар (чўчқалар) қўп бўлгани учун бу жойларнинг номи Ҳукзор деб юритилган. Ҳукзор атамаси асрлар оша “Ғузор” деб талаффуз қилинадиган бўлиб қолган [3, 7].

Чироқчи – Қашқадарё вилоятидаги шаҳарлардан бири, шу номдаги туман маркази. Чироқчидан вилоят маркази – Қарши шаҳригача 83 км.

Ривоят. Қачонлардир кечаси қаттиқ ер қимирлаган. Кишмиштепа бутунлай вайронага айланган. Омон қолганлар эса бир нуроний кампир бошчилигида қўлларида чироқ тутиб ҳозирги Чироқчининг жойига келиб макон тутганлар ва шу ерда яшаб қолганлар. Ўша кампир кейинчалик ҳам ёнида невараси кечалари чироқ ёқиб чиқар

экан. У туттган чироқнинг шуъласи узоқ-узоқлардан милтиллаб, карвонларга йўл кўрсатар экан [4, 7-8].

Шунингдек, азиз-авлиёларнинг мозорларида яшаб, чироқ қўйиб, мозорни супириб турадиган қоровул (шайх) чироқчи дейилган. Бошқа бир маълумотларга кўра, гилдан чироқ ясаш хунари билан шуғулланувчилар ҳомийси бўлган Чироқчи ота мозори номи билан аталган [5, 187].

Чироқчи қадимдан моҳир уста ва ҳунармандлар шахри бўлган. Шунинг учун Чироқчи шахри номи – “чироқ ясовчи ҳунармандлар” касби билан боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Муборак – Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги шаҳар бўлиб, вилоят маркази Қарши шаҳридан 78 км шимолий ғарбда жойлашган.

Муборак шахри топоними ҳақида қуйидаги маҳаллий ривоятларни келтирмоқ жоиз. Муборак номи Имом Бухорийнинг узтозларидан бири деб саналган Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазийга атаб барпо қилинган “Хўжамуборак” қишлоғи номидан олинган [6, 106].

Муборак топоними билан боғлиқ Хўжамуборак қишлоғи ҳақидаги ушбу маҳаллий ҳикоятни келтириб ўтсак. Бу қишлоқда Абдуллаи Муборак (Хўжа Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий шундай аталганлар) исмли бир ўқимишли, илмли, зукко киши яшаган. Шу ерда Сўфи Эшон деган ўқимишли, покдомон киши бўлган. Абдуллаи Муборак ундан илм ўрганган. Таълим олиб етишган. Сўфи Эшоннинг бир қизлари бўлган... . Қиз балоғатга етишгач, эру хотин уни куёвга бериш маслаҳатини қилганлар. “Қизимни тоат-ибодатли, покдомон, ҳалол кишига турмушга берсак” – дея хотинларига маслаҳат солганлар эшон. “Мен эртага тонгда чиқиб қишлоқни айланаман, тонгда туриб тоат ибодатга машғул бўлган кишини, маъқул бўлган йигитни топсан, қизимизни ўшанга берамиз” – деганлар. Хотинлари рози бўлган. Сўфи Эшон тонгда тоат ибодатларини қилиб, отга миниб қишлоқ кўчаларини айланганлар. Ёз вақтида ҳамма очиқ ҳавода ибодат қиларкан. Лекин ҳали туриб ибодатга киришган кишини учратмаганлар. Ҳовлиларига қайтсалар хизматкорлари Абдуллаи Муборакни ибодат устида кўрганлар. Қизларини аҳдларига кўра унга тўй қилиб, никоҳлаб берганлар. Сўфи Эшон хўжа бўлганлар. Келин билан куёвни қутлаганлар. Шунда хизматкорлари Абдуллаи Муборакка қараб: “Қизимизга уйланиб сиз ҳам хўжа бўлдингиз. Сизга “Хўжа” матлаби муборак бўлсин!” деган эканлар. Ана шундан Муборак ўғлининг номи Хўжамуборак бўлган. Абдуллаи Муборак вафот этгач, қишлоқнинг номи унинг хотирасига “Хўжамуборак” деб аталадиган бўлган. Хўжамуборак сўзи шундай келиб чиқкан.

Умуман, кишининг исми Муборак шахри ва Хўжамуборак қишлоғи номига асос бўлган.

Бешкент – Ватанимизнинг қадимий манзилларидан бири. Шаҳар вилоят маркази Қарши шаҳридан 7 км масофада жойлашган.

Ривоят. Воқеанавислар Балх ҳокимига бир-бири билан иноқ ва аҳил яшовчи беш оға-инининг яккаю ёлғиз, айни пайтда гўзал ва соҳибжамол синглиси ҳақидаги хабарни етказадилар. Ҳоким қизни ҳарамга келтириш пайига тушади. Бундан хабар топган қиз ҳам, оға-инилар ҳам қаттиқ изтиробга тушадилар. Чунки қизнинг ҳам, оға-иниларнинг ҳам бу ишга ризоликлари йўқ эди. Бундан оға-инилар қаттиқ ғазабга келадилар ва “Нечун энди ҳоким кўнглига маъқул келган ишни қиласвериши керак? Йўқ, биз бунга

рози бўлмаймиз”, деган қатъий фикрга келадилар ва пайт пойлаб, вақтни кеч қилиб сингилларини ўзлари билан бирга олиб Балхни тарк этадилар. Тақдир тақозоси ила улар Бешкент тупроғига келиб қоладилар. Ҳоким оға-инилар ортидан изқуварларини жўнатади, бироқ чакалакзорлар бу жабрдийда мусофиirlарни яширишга улгурган эди. Шу тариқа оға-инилар қишлоқдаги уруғларга асос соладилар [7, 121-122].

Бешкентда беш уруғ – равот, қудрат, қўпай, қоронғулик ҳамда пўстинли каби уруғлар азалдан истиқомат қилиб келади [8, 153]. Шунга кўра “Бешкент” топонимини беш уруғ истиқомат қиласидиган жой, манзилгоҳ деб изоҳлаш мумкин.

Яккабоғ шахри шу номдаги туман маркази ҳисобланиб, вилоят маркази – Қарши шаҳридан 95 км узоқликда, шарқда жойлашган.

Ривоят. Бу манзилда ўзига тўқ, фарзандсиз бир киши савоб, ўтган-кетгандар дуосини олиш учун ажойиб бир боғ барпо этади. Йўловчилар боғнинг узумидан ва бошқа меваларидан баҳраманд бўлишиб, боғ соҳибини дуо қилишади, боғнинг таъриф-тавсифини узоқ-яқинга ёйишади. Шу сабабли халқ бу жойни Яккабоғ деб атай бошлади[9, 5-7].

Умуман, Яккабоғ атамаси тор маънода - якка ва боғ сўзларидан ясалган бўлиб, танҳо, ёлғиз, битта боғ, кенг маънода эса «Боғли жой» маъноларини билдиради.

Қамаши шахри шу номдаги туманнинг маркази бўлиб, туман вилоятнинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган. Қамашидан Қарши шаҳригача бўлган масофа 63 км дир.

Ривоят. Қамаши номи қамишли сўзидан келиб чиққан. Қамашидаги Қорасув дарёсидан жуда кўп сув келган. Бутун Қамаши ўрни, Қорасув атрофи қамишзор бўлган. Қамаши номи қамишзор ёки қамишли сўзидан келиб чиққан.

Қамашида дастлаб темир йўл келганда Қамайликлар бўлмаган. Улар кўчманчи халқ бўлиб, кейин кўчиб келган деган холосалар бор [10, 7].

Янги Нишон шахри Нишон туманининг маркази бўлиб, Янги Нишондан вилоят маркази Қарши шаҳригача бўлган масофа 20 км ни ташкил этади. “Нишон” сўзи – мўлжал, белги, нишон деган маънони англатади. Нишон худуди “Буюк ипак йўли” устида жойлашганлиги тарихдан маълум. Карвонлар ана шу худуддан ўтишган. Маълумки, Қарши даштлари қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган дашт ҳисобланган. Бундай пайтда эса, карвонлар даштдан ўтиб олишлари учун бир неча бор тўхташган, ҳордиқ чиқаришган, сувлашган. Худди мана шу вазифани чўлларда САРДОБАлар ўтаган. Қисқаси, Нишоннинг энг қадимги миллий обидаси ҳам Нишон сардобасидир. Ана шу Нишон худудида қурилган сардoba – белгили, нишонли бўлсин дея Нишон сардoba деб аталган. Қарши қалъасида йўлга чиққан карвон навбатдаги манзил сифатида Нишонни танлаган. Карвон йўлга чиқар экан, ҳар гал, эндиғи манзилимиз, нишонимиз сардoba деб гапиришган. Савдо-тижорат ишлари билан шуғулланган карвонлар ана шу йўлдан юриб, Нишон сардобада тўхтаб ўтишган. Хуллас, нишон, белги тариқасидаги сўзлар бора-бора “Нишон” тарзида ишлатила бошланган [11, 6].

Талимаржон - Нишон туманидаги шаҳар. У Қарши шаҳридан 80 км масофада жойлашган.

Ривоят. Бухоро амирларидан бири шу ерда сардoba қурдириб, чорва молларини суғориш учун иккита қудук қаздирган. Кунлардан бир куни чўпон подасини суғоргач,

қўлидаги таёқни нам ерга санчгани хаёлидан қўтарилиб, қўйларини ҳайдаб кетибди. Орадан бир йил ўтгач, яна шу ерга келиб қолганида қараса, ўзи санчиб кетган таёқ мажнунтолга айланиб соя ташлаб турган эмиш. Чўпон бундан хурсанд бўлиб, яна новдалар кесиб, ерга қатор қилиб санчибди. Ҳар гал қўйларини суғоргани келганда қудуқдан сув олиб, толларга ҳам қўйиб кетибди. Орадан яна бир-икки йил ўтиб, бу толлар барги маржондек товланибди. Бу ерни кўрган бошқа чўпонлар “Толмаржон” деб атай бошлишибди. Аста-секин талаффузда ўзгариш бўлиб, бу ном “Талимаржон”га айланиб кетган [12, 23-24].

Косон – шаҳар, шу номдаги туман маркази. Косондан Қарши шаҳригача бўлган масофа 30 км. Косон бу қадимиј Кушон давлати номи билан боғлиқ. Кушон сўзи ўзгариб “Косон”га айланган[13]. Аҳолиси юечжи қабиласи таркибига кирган кушон уруғи номи билан аталувчи Кушон империяси бўлиб, империя милоддан аввалги I ва милоднинг III асрларида Марказий Осиёда хукмронлик қилган. Косон қадимиј Кушон этнонимининг ўзгаргани[1, 100] деб таъкидлаш мумкин.

Сурхондарё вилоятининг қадимиј шаҳарларидан бири Денов шаҳридир.

Денов шаҳри Термиздан 156 километр шимоли-шарқда жойлашган.

Денов номи дастлаб, XIV аср охири – XV аср бошларидаги ёзма манбаларда, хусусан Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида Даҳайнав (“Даҳа-и-нав”) шаклида, яъни “Одамлар кўчиб борган янги ер” мазмунида тилга олинган[14, 172]. Денов форс-тожикча сўз бўлиб, дех+и+нав – янги қишлоқ, янги қурилган шаҳар деган маънони билдиради [1, 63].

Бойсун – шаҳар, Термиз шаҳридан 145 км масофада жойлашган. Бойсун атамаси таркибида “бой” ва “син” бирикмалари бўлиб, “улуғ тоғ”, “катта тоғ” маъноларини билдирган. Маҳаллий ривоятларга кўра, “бойлар қишлоғи” маъносини англатган [15, 34].

Жарқўрғон – шаҳар, Термиздан 42 км узоқлиқда жойлашган.

Жарқўрғон – “жарлик устидаги қўрғон, қишлоқ” деган маънони билдиради[16, 13].

Қумқўрғон – шу номдаги туман маркази, шаҳар. Термизгача бўлган масофа 90 км. Қумқўрғон – қумлоқ ерда вужудга келганлиги боис шундай ном олган, “қумлоқ ердаги қўрғон, қишлоқ” маъносини билдиради [17, 15].

Шеробод – шаҳар, Термизгача масофа 59 км ни ташкил этади. Шеробод – “Бош”, “Работ” – “Катта карвонсарой”, “Бош бекат” маъносини англатган. Шер исмли киши работи (қўрғони) ёки обод қилган жой, деган изоҳ берилган [18, 29].

Шўрчи – шаҳар, Термиздан 110 км масофада жойлашган. Шўрчи форсча қўшма сўз: шўр-жи. Шўртупроқ ва сув таркибида туз моддалари борлигини билдиради. Жи – сув йифилган жой, кўл, ҳовуз. Шўрчи (Шўржи) – шўр сув, шўр сувли ҳовуз (кўл, қудуд). Сувликнинг номи бўлиб, сўнгра қишлоқ номига ўтган [19, 76].

Шарғун – Сариосиё туманидаги шаҳар, Термиз шаҳридан 193 км узоқлиқда жойлашган. Икки компонентли: Шар+ғун. Шаҳар+и+хун -Қадимги туркий хунлар шаҳри. Эроний тилларда шар (шир-жир-жер) тош, тошли; тоғ. Яғноб топономиясида хон-хўн-хун - яйлов. Шарғуннинг аслида ороним эмас, гидроним сифатида яратилганлиги ғўн сўзининг сув, дарё маъносидаги сўз бўлишини кўрсатади. Шарғун-Ширған-Ширхон – тоғ дарёси [20, 92].

Хулоса. Ўзбекистоннинг жанубий шаҳарлари топонимига оид маълумотларда ўзига хосликлар мавжуд ва хилма хиллиги ҳамда қизиқарлилиги билан эътиборни тортади. Жанубий шаҳарларнинг номланиши бўйича бир-нечтадан фаразлар бўлиб, уларда асосан жойлашув хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда шу ном билан аталган шаҳарлар, шунингдек, бир нечтадан ривоятлар, турли уруғлар, касб, исм билан боғлиқ шаҳарлар номи мавжуд.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари - Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Марғилон ҳамда Қарши, Термиз ва Шахрисабзнинг халқаро ташкилот - ЮНЕСКО билан ҳамкорликда юбилейлари ўтказилди. Шунингдек, шаҳарлар тарихи бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда ва яна кўплаб қадимий шаҳарларимизнинг ёш тўйлари нишонланади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1988. – 288 б.
2. Нуриддинов Ҳ. Ғузорнома. –Т.: Yanginashr, 2011. – 192 б.
3. Чориев З., Жўраев А. Ғузор тарихидан лавҳалар. – Қарши: Насаф, 1997. – 52 б.
4. Фармонов М. Мангу ёниқ чироқ. – Қарши: Насаф, 1996. – 84 б.
5. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. –Т.: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2005. – 240 б.
6. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 6-жилд. –Т.: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2003. – 704 б.
7. Акбаров Р. Қарши туман тарихи. –Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016. – 296 б.
8. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архиви 846-фонд, 1-рўйҳат, 1-иш. Жами 314 варақ.
9. Ғафуров Ғ. Шоймардонов И. Тўхлиев Ж. Яккабоғ тумани. –Т.: Шарқ, 1997. – 192 б.
10. Жамолов Ж. Қамаши туман географияси. – Қарши: Насаф, 2005. – 48 б.
11. Ҳикматов И. Яхшибоев Ж. Кўриқда гуллаган Нишон. Янги Нишон шаҳри. 1995. – 19 б.
12. Ғойибов Ж. Ўлиб тирилган одам. – Қарши: Насаф, 2001. – 36 б.
13. Дала ёзувлари. Мустафаева Мунира. 1984 йилда туғилган. Косон шаҳар. 2016 йил, июнь.
14. Ртвеладзе Э., Аминов М. Сурхондарё (Ўзбек, рус ва инглиз тилларида). –Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. – 220 б.
15. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Т.: Akademnashr, 2011. – 560 б.
16. Турсунов С., Тўхтаев А., Аннаева З. Жарқўрғон тарихидан лавҳалар. –Т.: Yanginashr, 2019. – 320 б.
17. Турсунов С. ва бошқ. Қумқўрғон тарихидан лавҳалар. –Т.: Yanginashr, 2019. – 352 б.
18. Турсунов С., Турсунов А., Тоғаева М. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Т.: Yanginashr, 2014. – 356 б.
19. Турсунов С., Эшбоев Қ. Шўрчи тарихидан лавҳалар. –Т.: Fan va texnologiya, 2014. – 320 б.
20. Турсунов С. Сурхондарё вилояти топонимлари. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – 152 б.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/2 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масьулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).